


Урва Оиша розияллоху анҳодан



06:00 / 18.08.2018 2977

Урва Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилади:

«Эй опамнинг ўғли! Ҳилол (янги чиққан ой)га қарардик, сўнгра яна ҳилолга қарардик, сўнгра яна ҳилолга қарардик, яъни, икки ой ўтказиб, учинчи ҳилолни кўрар эдик ҳамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида ўчоққа ўт қаланмас эди», деди. Урва: «Эй хола! Тирикчиликларинг нима бўларди?» деди. У: «Икки қора нарса – хурмо билан сув. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ансорий қўшниларида маниҳалар бўларди. Улар уйларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўшанинг сутидан бериб юборишар, у зот бизга ичирар эдилар», деди».

Изоҳ: «Икки қора нарса – хурмо билан сув». Аслида хурмо қора рангли бўлади, аммо сув рангсиз, шаффоф бўлади. Арабларда икки нарсани жамлаб зикр қилганда бирини иккинчисига қўшиб айтиш бор. Масалан, ой билан қуёшни «икки ой» дейишади.

Маниҳа – бировга сутини соғиб ичиш учун бериб турилган ҳайвондир. Кейинчалик ҳар қандай тортиқ ҳам маниҳа дейиладиган бўлиб кетган. Истилоҳда ҳосилидан фойдаланиш учун вақтинча берилган боғ-роғ, туя, қўй ва шу қабилар маниҳа дейилади.

Муттафақун алайҳ.